

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ  
АЛОҚАЛАР, ИНВЕСТИЦИЯЛАР ВА САВДО ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ  
БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**396** Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар рўйхатига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 30 августда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1802-2*

*(2009 йил 9 сентябрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлашни рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2007 йил 14 мартдаги ПФ-3860-сон Фармонининг 5-бандига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил, 11-сон, 96-модда) мувофиқ **қарор қиламиз:**

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ва Давлат божхона қўмитасининг 2008 йил 2 майдаги 52, 46, ЭГ-01/19-2784 ва 01-02/8-38-сон қарори (рўйхат рақами 1802, 2008 йил 3 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил, 19-сон, 163-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва эҳтиёт қисмлар Рўйхатига иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Иқтисодиёт вазири**

**С. БЕКЕНОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 15 август,  
80-сон

**Молия вазири****Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 15 август,  
84-сон

**Ташқи иқтисодий алоқалар,  
инвестициялар ва савдо вазири****Э. ҒАНИЕВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 15 август,  
ЭГ-в-01/10-5247-сон

**Давлат божхона  
қўмитаси раиси****С. НОСИРОВ**

Тошкент ш.,  
2009 йил 15 август,  
01-02/20-21-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги,  
Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар  
ва савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмита-  
сининг 2009 йил 15 августдаги 80, 84,  
ЭГ-в-01/10-5247, 01-02/20-21-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда  
импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғидан  
озод қилинадиган технологик жиҳозлар, бутловчи буюм ва  
эхтиёт қисмлар Рўйхатига киритилаётган  
ўзгартиришлар ва қўшимчалар**

1. «ТИФ ТН коди (2007 йил версияда)» графасида:  
18-қаторда «8421» сонлари «8421 \*\*\*» сонлари билан алмаштирилсин;  
39-қаторда «8443 (8443 31 — 8443 99 дан ташқари)» сўзлари «8443\*\*\*  
(8443 31 — 8443 99 дан ташқари)» сўзлари билан алмаштирилсин;  
40-қаторда «8444 00» сонлари «8444 00 \*\*\*» сонлари билан алмашти-  
рилсин;  
41-қаторда «8445» сонлари «8445 \*\*\*» сонлари билан алмаштирилсин;  
42-қаторда «8446» сонлари «8446 \*\*\*» сонлари билан алмаштирилсин;  
43-қаторда «8447» сонлари «8447 \*\*\*» сонлари билан алмаштирилсин;  
44-қаторда «8448» сонлари «8448 \*\*\*» сонлари билан алмаштирилсин;

45-қаторда «8449 00 000 0» сонлари «8449 00 000 0 \*\*\*» сонлари билан алмаштирилсин;

46-қаторда «8451» сонлари «8451 \*\*\*» сонлари билан алмаштирилсин;

47-қаторда «8452 21 000 0, 8452 29 000 0» сонлари «8452 21 000 0 \*\*\*, 8452 29 000 0 \*\*\*» сонлари билан алмаштирилсин.

2. Қуйидаги мазмундаги 84<sup>1</sup> и 84<sup>2</sup>-қаторлар билан тўлдирилсин:

«

84 <sup>1</sup>	9011 10 900 0, 9011 80 000 0	Микроскоп, трихоноскоп
84 <sup>2</sup>	9012 10 900 0	Микроскоп рақамли универсал ИМЦ, БМУ

».

3. Қуйидаги мазмундаги изоҳ билан тўлдирилсин:

«\*\*\* Импорт божхона божи ва қўшилган қиймат солиғи тўлови бўйича имтиёзлар, шунингдек, божхона расмийлаштируви вақтида ишлаб чиқарилган йили 3 йилдан ортиқ бўлган тўқимачилик соҳаси корхоналарини ташкил этиш, модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳалари учун корхоналар томонидан тўғридан-тўғри инвестиция ҳисобига корхона устав фондига улуш сифатида келтириладиган технологик ускуналарга қўлланилади.

Имтиёзларни қўллаш учун қуйидагилар асос бўлади:

«Ўзбекенгилсаноат» ДАК ва «Ўзенганлоийиҳа» МЧЖнинг келтириладиган усқунанинг замонавий технологиялар талабларига ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаши тўғрисидаги эксперт хулосаси;

импорт қилинаётган усқуналар ўрнатиладиган корхонанинг, ушбу усқуналарни корхона устав фондига улуш сифатида киритилишини кўрсатадиган таъсис ҳужжатлари.

Кўрсатиб ўтилган хулосалар (ҳужжатлар) усқуналарни эркин муомалага чиқариш режимда божхона расмийлаштируви вақтида БЮД билан бирга тақдим этилиши зарур».